

7-1-2018

The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them

A.T Mirzaev

Fergana State University, Fergana, str, Murabbiylar 19, abdubehr@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Mirzaev, A.T (2018) "The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 3 , Article 19.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss3/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ҲУДУДЛАРДА ТУРИСТИК РЕКРЕАЦИЯ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФойДАЛАНИШ ДАРАЖАСИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Мирзаев Абдуллажон Топилович,
Фарғона давлат университети тадқиқотчиси
E-mail: abdubehr@mail.ru

Аннотация: Мақолада мамлакатимиз ҳудудларида мавжуд туристик-рекреация объектларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш асосида ушбу объектлардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳудудларда рекреация объектларидан фойдаланиш таҳлили асосида мавжуд рекреация объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ҳулоса, тавсия ва таклифлар берилган.

Аннотация: В статье анализируются факторы, влияющие на эффективность использования туристско-рекреационных объектов на основе изучения состояния использования этих объектов в регионах страны. На основе проведенных анализов использования рекреационных объектов в регионах дается выводы, рекомендации и предложения по повышению эффективности рекреационных объектов.

Abstract: The article analyzes the factors affecting to the efficiency of the use of these facilities based on the study of the current state of tourist-recreational facilities in the regions of the country. It also provides conclusions, recommendations and suggestions on increasing the efficiency of the use of recreation facilities based on the analysis of the use of recreational objects in the regions.

Калит сўзлар: туризм соҳаси, рекреация, рекреацион туризм, , рекреацион туризм объектлари, рекреацион хизматлар, туризм кластери, рекреацион инфратузилма, минтақавий туризм сиёсати.

Кириш

Мамлакатимиз ҳудудларида миллий туристик корхоналари туристик хизматлар бозорида катта тажриба ва салоҳиятга эга бўлган кучли рақобатчилар билан биргаликда фаолият олиб бормоқда. Шу сабабли, туризм тармоғини ривожлантиришга қаратилган стратегия, мамлакатда туристик ҳудудлар рақобатбардошлигини ошириш ва ривожлантиришга йўналтирилиши лозим.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожиди янги қадам бўлди[1].

Ўзбекистон минтақаларида туристик кластерларнинг шакллантирилиши туристик-рекреацион ресурслардан тўлиқ фойдаланиш замирида янги туристик фирмалар очилишига ва мавжудларининг ишини янада фаоллаштиришга туртки беради ҳамда янги турдаги туристик маҳсулотларнинг яратилишига асос бўлади.

Туристтик-рекреацион кластер жараён туристик маҳсулотнинг хизматлар бозоридаги ривожланиш фаолиятига таъсир этувчи зарурий омил ҳисобланиши

ҳамда бугунги кунда ҳар қандай туристик фирманинг асосий мақсади рақобат шароитида истеъмолчини ўз хизмат турларига жалб қилишни тақозо қилади[6].

Рекреацион туризм фаолиятини ривожлантириш, рекреантларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, рекреацион туризм тизимига кенг қамровли туристларни жалб этиш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисидаги ПФ-5273-сонли фармони бугунги кунда рекреацион туризм соҳасида амалга оширилаётган тизимли ишларнинг намунаси сифатида кўришимиз мумкин. Фармонда Ўзбекистон Республикасида иш ўринлари яратиш, иқтисодий диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, аҳолини даромадлари ва турмуш даражасини ошириш каби энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни яқин истиқболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган рекреацион туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилган [2].

Ўзбекистонда ҳудудларнинг туристик рақобатбардошлигини оширишга қаратилган янгича назарий ёндашувларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж дунё тажрибасини ўрганиб чиқишни талаб этмоқда. Ушбу муаммога оид илмий ишларда ҳудудий рақобатбардошликни ошириш бўйича турли хил назарий қарашлар мавжуд. Бу борада тўпланган назарий ва амалий тажрибаларни таҳлил қиладиган бўлсак, инновацион ёндашувларга асосланган ҳудудий кластерлар ҳудуд рақобатбардошлигини оширишнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади [3].

Туристтик-рекреацион бизнесга нисбатан кластерли ёндашувдан фойдаланиш қўйидаги вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган:

- кластерларни ривожлантириш муаммоларига аналитик тадқиқотлар, унинг тузилиши, стратегик мақсад ва устувор йўналишларини аниқлаш;

- инновацияларни алмашиш учун ахборот-коммуникация муҳитини ривожлантириш, манфаатдор ташкилотларни кластер доирасида биргаликдаги фаолиятига жалб қилиш;

- кластер иштирокчиларини халқаро бозорларга чиқаришни осонлаштириш учун қўшма маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва дастурларини амалга ошириш;

- касб-ҳунар таълими муассасалари ўқув дастурларини тузиш ва ривожлантириш, ходимларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, илмий ва услубий семинарларни ташкил этиш ва ўтказиш [8].

Туристтик кластер - бу ҳудуднинг рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида ҳудудий туризм тизимининг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида туристик маҳсулотни шакллантириш ва сотишнинг технологик жараёнида бевосита ва билвосита қатнашувчи ва давлат бошқарув органлари, таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари билан ўзаро ўзвий алоқада бўлган, географик жиҳатдан яқин жойлашган ташкилотлар ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлари мажмуидан иборат очиқ иқтисодий тизимдир [9].

Минтақа - туристик-рекреацион кластерининг асосий омили бўлиб, туризмни инновацион ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган туристик-рекреацион ресурслар ҳисобланади. Бундай ресурслар қаторига: туристик намойиш учун табиий,

тарихий, ижтимоий-маданий ва бошқа объектлар киради. Минтақада мавжуд бўлган туристик ресурслар асосида туристик маҳсулотлар шакллантирилади ҳамда бутун минтақа миқёсида туризмни ривожлантириш кўрсаткичлари башорат қилинади [5].

Рекреацион тизим – дам олувчилар гуруҳи, табиий ва маданий мажмуалар, техник тизим, хизмат кўрсатувчилар, бошқарув органлари каби рекреацион эҳтиёжларни таъминлаш гуруҳларини ўз ичига олган ижтимоий-демоэкологик тизим ҳисобланади. Барқарор рекреацион тизимни яратишда қуйидаги омиллар: эҳтиёж, фаолият йўналиши, тизимнинг яратилиш зарурати ва унинг элементлари, тизимни ташкил этувчи ички ва ташқи алоқалар каби муҳим ўрин тутди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) томонидан туристик ҳудудни соғломлаштириш, ўқув жараёни ёки дам олишни ташкил этиш учун зарурий ихтисослашган иншоотлар ва хизматларнинг катта турига эга бўлган ҳудуд сифатида эътироф этилса, Россиялик олим Н.И.Кабушкин “туристик ҳудуд” сифатида: “туристик сегмент ёки меҳмон саёҳат мақсади сифатида танлайдиган географик ҳудуд” тушунилиши лозимлигини айтиб ўтган [6; с-644].

А.А.Минс ва В.С.Преображенскийлар фикрига кўра инсониятнинг ландшафтларга муносабати рекреацион тизимнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Масалан, курорт, дам олиш, даволаниш каби рекреацион фаолиятлар муҳим специфик талабларга, яъни табиат мажмуаларининг узлуксизлиги ва тўла компонентларга эгаллигига таянади.

Рекреацион фаолият инсон фаолиятининг барча турлари билан боғлиқ бўлиши баробарида ўзининг специфик қирраларига ҳам эга. Масалан, Ю.Вединин фикрича, рекреацион фаолиятни умуминсоний, миллий, шаҳар ва қишлоқларга хос қадриятлар, маданиятнинг этник гуруҳларига хос қирраларини англашга кўмаклашишини таъкидлаган[4].

Фикримизча, ҳудудларда туристик рекреация фаолиятини ривожлантириш ҳамда туристик рекреацион кластерни яратиш бугунги кунда туризм соҳасидаги самарадорлик жиҳатидан юқори натижалар кутилаётган фаолият туридир. Бу борада, ҳудудларда туристик рекреация объектларидан фойдаланиш даражасини такомиллаштириш ва уларга таъсир этувчи омиллар таҳлилидан келиб чиқиб, минтақаларда рекреацион туризм объектларидан мувозанатли фойдаланишнинг режа ва дастурларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида мамлакатимиз ҳудудларида мавжуд туристик-рекреация объектларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш асосида ушбу объектлардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинди ва тадқиқот методологияси сифатида статистик таҳлил ва иқтисодий-математик усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳудудларнинг рекреацион салоҳиятини баҳолашда, биринчи навбатда, мавжуд рекреация объектларининг миқдори ва сифатига асосий эътибор қаратилади, бироқ бугунги кунда республикамиз ҳудудларида рекреация объектлари билан боғлиқ кўрсаткичлар статистикаси юритилмаётганлиги ушбу йўналишдаги ресурсларни реал баҳолаш имконини бермайди. Шу сабабли, Фарғона вилояти Бирлашган касаба уюшмалари федерацияси томонидан 2015-2017 йилларда федерация орқали асосий рекреация объектлари ҳисобланган санаторийлар ва пансионатларга юборилган дам олувчилар бўйича кўрсаткичлар ўрганиб чиқилди [10] (1-жадвал).

2015-2018 йилларда рекреация объектларига юборилган дам олувчилар сони ва дам олиш учун йўналтирилган маблағлар

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | Ўзгариш, % да (2017 йилда 2015 йилга нисбатан) |
|---|---|----------|-------------|----------|--------------|--|
| | | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил* | |
| 1 | Санаторийлар сони, та | 11 | 13 | 14 | 14 | 127,3 |
| 2 | Пансионатлар сони, та | 1 | 1 | 1 | 1 | 100,0 |
| 3 | Ажратилган йўлланмалар сони, дона | 4167 | 4443 | 4686 | 4709 | 112,4 |
| 4 | Йўлланмалар учун тўловлар миқдори, млн сўм | 1160,7 | 1394,1 | 1657,8 | 1906,3 | 142,8 |

Изоҳ: 2018 йил* - кутилаётган прогноз кўрсаткич



Манба: Фарғона вилояти Бирлашган касаба уюшмалари федерацияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Фарғона вилояти Бирлашган касаба уюшмалари федерацияси томонидан 2015 йилда рекреация объектларига дам олиш учун юборилган дам олувчилар сони 4167 нафарни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 4443 нафарни, 2017 йилда 4686 нафарни ташкил этган. 2018 йилда бу кўрсаткич прогнози сирғалишлар усулдан фойдаланган ҳолда 4709 нафарга етишини кўрсатмоқда. 2015-2017 йилларда дам олувчилар сони 12, 4 фоизга ортган.

Кўрилатган даврда дам олувчилар томонидан йиллар бўйича мос равишда 1160,7 млн сўм, 1394,1 млн сўм, 1657,8 млн сўм ва 1906,3 млн сўм маблағ сарфланган. 2017 йилда 2015 йилдаги кўрсаткичга нисбатан ўсиш 42,8 % ни ташкил этган.

Ҳар икки кўрсаткични вақт омилига боғлиқ равишда корреляцион таҳлил қилинганда корреляция коэффиценти дам олувчилар сони бўйича 0,999327 га, сарфланган маблағ ҳажми бўйича 0,999381 га тенг бўлган.

Регрессион таҳлил натижалари дам олувчилар сонининг ўзгариши $y = 259,5t + 3913$ қонуният асосида ($R^2 = 0,998$), дам олиш учун қилинган харажатлар $y = 248,5 t + 907,1$ қонуният асосида ($R^2 = 0,998$) юз берганлигини кўрсатади (1-расм).



1-расм. Фарғона вилояти Бирлашган касаба уюшмалари федерацияси томонидан 2015-2018 йилларда рекреация объектларига юборилган дам олувчилар сони ва дам олиш учун йўналтирилган маблағларнинг омилли боғланишлар таҳлили натижалари

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

2016-2020 йилларда рекреация объектларига юбориладиган дам олувчилар сони ва дам олиш учун йўналтириладиган маблағларнинг башорат кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | |
|---|--|-----------|----------|----------|----------|----------|
| | | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил |
| | | Ҳақиқатда | | | Прогноз | |
| 1 | Ажратилган йўлланмалар сони, дона | 4443 | 4686 | 4709 | 5210,5 | 5470 |
| 2 | Йўлланмалар учун тўловлар миқдори, млн сўм | 1394,1 | 1657,8 | 1906,3 | 2149,6 | 2398,1 |

Манба: Фарғона вилояти Бирлашган касаба уюшмалари федерацияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Жадвалдаги ҳосила кўрсаткичлардан кўринадикки, ажратиладиган йўлланмалар сони ҳамда йўлланмалар учун тўловлар миқдори яқин келажакда барқарор ўсиши кутилади.

Фарғона вилояти Бирлашган касаба уюшмалари федерацияси томонидан 2016 йилда 4443 дона йўлланмалар ажратилган бўлса, 2017 йилда 4686 донани ташкил этган. Экстрополяция усули ёрдамида 2018 йилга ажратиладиган йўлланмалар сони 4709 донани ташкил этиши аниқлаб олинди. Регрессия тенгламаси 2019 йилга ажратиладиган йўлланмалар сони 5210,5 донани, 2020 йилда эса 5470 донани ташкил этишини кўрсатади.

Йўлланмалар учун тўловлар миқдори ҳам мос равишда ўсиб борганлигини кузатишимиз мумкин. 2016 йилда 1394,1 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда эса 1657,8 млн. сўмни ташкил этган. Истиқбол кўрсаткичларда 2018 йилда 1906,3 млн. сўм, 2019 йилда 2149,6 млн. сўм ва 2020 йилда эса 2398,1 млн. сўмни ташкил этади.

Хулоса ва таклифлар

Туристик рекреация объектларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш асосида қуйидаги хулосалар олинди:

- туристик рекреация объектларини ривожлантириш стратегияси ушбу хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциялари ва хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши лозим;

- хизматлар бозорининг ушбу сегментининг барча элементлари ҳамда ундаги жами муносабатлар ва жараёнларни интеграциялашган комплекс тузилма орқали тартибга солиш мақсадга мувофиқ;

- рекреацион туризм бозорининг самарали ривожланиши соҳага инвестицияларни жалб қилишда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги механизмларининг такомиллаштирилишига боғлиқ;

- рекреация объектлари жойлашган ҳудудда қулай иқтисодий муҳитнинг яратилиши билан бирга минтақавий туризм бозори субъектлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг институционал асосларини такомиллаштириш лозим;

- рекреацион туризм бозори самарали ривожланишининг муҳим омилларидан бири ундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг зарурий ахборотлар билан таъминланганлик даражасидир;

- бирон бир рекреацион - туристик ҳудудни самарали ривожлантириш хусусий бизнес субъектлари ва давлатнинг ўзаро мақсадли ҳамкорлиги орқали эришилади

ҳамда ҳозирги инновацион иқтисодиёт шароитида ушбу ҳамкорликнинг самарали услуби ҳудудий рекреацион - туристик кластерни шакллантириш ҳисобланади.

Республикамизнинг туризм салоҳияти яқин беш йил ичида сезиларли даражада ривожланди. Бунга энг асосий сабаб – Президентимиз бошчилигида ҳукумат аъзолари, Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси, олимлар, соҳа мутахассислари ва тадбиркорларнинг туризм соҳасини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари натижасидир. Шу билан биргаликда соҳа ривожига тўсқинлик қилаётган бир қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, бу камчиликларни қуйидаги таклифлар орқали бартараф этиш тавсия қилинади:

- рекреацион туризм йўналишида ҳудудларимизга Хитой, Япония, Ҳиндистон, Жанубий Корея мамлакатларидан ташриф буюраётган туристларга мазкур давлатлар тилида сўзлаша оладиган гидлар етишмаётганлигини ҳисобга олиб хитой, япон, ҳинд, корейс тилида сўзлаша оладиган гидларни тайёрлаш лозим;

- ҳудудларда рекреацион-туристик ресурслар ва объектлар мавжудлигига қарамасдан, улардаги инфратузилмалар ҳалигача ривожланмаган. Мисол учун, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Жиззах вилояти ҳудудларида экотуризм ҳамда рекреацион туризмни ривожлантириш ресурслари мавжуд бўлган ҳолда ҳанузгача керакли инфратузилмалар (меҳмонхона, курорт ва ҳоказо) талаб даражасида барпо қилинмаган. Мазкур муаммога жиддий ёндашган ҳолда тезкорлик билан уни ҳал қилиш учун ечим топиш керак;

- ҳудудларда рекреация объектларига ташриф буюраётган сайёҳларнинг ёш таркибида кексалар асосий қисми ташкил қилмоқда. Бунга сабаб - рекреацион туристик объектлари атрофида ёшларни жалб этувчи кластерларнинг етишмаслигидир. Шунинг учун, ҳудудларда ёшларни жалб қилувчи туристик инфратузилмаларни (жумладан, хостеллар, анимацион ва кўнгилочар ўйинлар) яратиш лозим;

- ҳудудларимизга рекреацион туризм йўналишида ташриф буюраётган сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида енгил автомобилларни ижарага берувчи корхоналар тармоғини кенгайтириш. Бу эса, ҳудудларнинг туризм жозибадорлигини ошириш билан биргаликда рекреацион туристик хизматларнинг кўпайишига қулай замин яратади;

- ҳудудларнинг рекреацион туризм салоҳиятини фақатгина БТТ (Бутунжаҳон туризм ташкилоти) интернет сайтида (www.unwto.org) реклама қилинмасдан, бошқа энг кўп кириладиган интернет сайтлари([yellow page](#))да ҳам реклама қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, ҳудудларда рекреацион туризм объектларини ривожлантиришни моделлаштириш ва моделдаги барча омилларни комплекс тарзда ривожлантириш истиқболда рекреацион туризм соҳасини ривожланиши учун таъсир қиладиган мураккаб дастур, метод ва йўналишларни ифодаловчи самарали минтақавий сиёсатни шакллантиришга кўмак беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861 сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5-декабрдаги “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисидаги ПФ-5273-сонли Фармони. //Халқ сўзи, 2017 йил 6 декабрь, № 245 (6939)
3. Асланова Д., Алимова М. “Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластер шаклланишининг концептуал асослари”. // Biznes -эксперт. №9 (105). 2016 й.
4. Якубов Ў.Ш., Ваҳобов Х. Рекреацион география асослари. - Т.: “Fan va texnologiya”, 2012, 18-19-бетлар.
5. Сафаров Б.Ш “Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш” докторлик диссертацияси автореферати. Самарқанд-2016. 18-бет.
6. Мирзаев А.Т. Рекреацион-туризм кластерларини яратиш ёхуд улар орқали ҳудудларда сайёҳлик тизимини ривожлантириш истиқболлари. // Biznes-эксперт. №12, 2017 й. 22-б.
7. Кабушкин. Н.И. Менеджмент туризма: Учеб.пособие – Мн: БГЭУ.1999, - 644с.
8. Дутова Т.И. “Роль современного туристско-рекреационного кластера в сфере услуг”. Российское предпринимательство. - 2010. - №8, Вып.2(165). - С.147-152.
9. Алимова М.Т. “Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида)”. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд-2017. 61-б.
10. Фарғона вилояти Бирлашган касаба уюшмалари федерацияси маълумотлари.
11. www.wikipedia.org сайти.